

IFRS” HOMLI  
KONFERENCIYA

CONFERENCE “GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS”

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:  
GLOBAL AND  
NATIONAL  
ECONOMIC  
TRENDS



TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS

ЙУНАЛИШ: ГЛОБАЛ  
ИҚТИСОДИЁТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА  
ИСТИҚБОЛЛИ ЙУНАЛИШЛАРИ  
“Глобал ва миллий  
иқтисодий трендлари”

CONFERENCE

19-20  
OCTOBER

ФОРУМ

PARALLEL CONFERENCES

“NEW2AN, ICFNDS  
AND ICDSIS”

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:  
GLOBAL AND  
NATIONAL  
ECONOMIC  
TRENDS

NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS”

CONFERENCE  
“IFRS”

GLOBAL  
ECONOMIC  
TRENDS”

2nd FORUM OF  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:  
GLOBAL AND  
NATIONAL

“IFRS”

HOMLI  
KONFERENCIYA

МЛМ  
ИЛМ

2nd FORUM  
DEVELOPMENT  
STRATEGY:

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI 2023

ILMIY ELEKTRON JURNAL MAXSUS SON

ФОРУМ

19-20 OCTOBER

PARALLEL CONFERENCES

“NEW2AN, ICFNDS

AND ICDSIS”

РАҚАМЛИ ИҚТИСО  
АХБОРОТ ТЕХНОЛ  
ВА ТАЪЛИМНИНГ  
ИСТИҚБОЛЛИ ЙУН  
“NEW2AN, ICFNDS,  
номли параллель  
конференциялар

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture





## MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

<https://laboreconomics.uz>



## MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI 2023-yil Maxsus son

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

[laboreconomics.uz](https://laboreconomics.uz)

“**Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali**” ilmiy elektron jurnali O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro‘yxatga olingan.  
**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko‘chasi, 49-uy.

**Elektron manzil:** [ilmiymaktab@gmail.com](mailto:ilmiymaktab@gmail.com)

**Jurnal web-sayti:** [www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**Bog‘lanish uchun telefonlar:**

+998 (99) 881-86-98.

TOSHKENT-2023

**EDITORIAL BOARD | TAHRIRIYAT KENGASHI**

**Tahririyat Kengashi raisi: (Chairman of the Editorial Board)**

Abdurahmanov Qalandar Xodjayeovich, O‘zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a‘zolari: (Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich,  
i.f.d., prof.

Yusupov Axmadbek Tadjiyevich,  
i.f.d., prof.

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich,  
t.f.d., prof

Raifkov Kudratilla Mirsagatovich,  
i.f.d., prof

Xalmuradov Rustam Ibragimovich,  
i.f.d., prof

Umurzakov Baxodir Xamidovich,  
i.f.d., prof.

Nazarov Sharofiddin Xakimovich,  
i.f.d., prof.

Jumayev Nodir Xasiyatovich,  
i.f.d, prof.

Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna,  
i.f.d., prof.

Eshov Mansur Po‘latovich,  
i.f.d., prof.

Zokirova Nodira Kalandarovna,  
i.f.d.. prof.

Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich,  
i.f.d., prof.

Muxiddinov Erkin Madorbekovich,  
i.f.f.d., (PhD)

Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayev,  
i.f.n., dots.

Amirov Lochinbek Fayzullayevich,  
i.f.f.d., (PhD), dots.

G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich,  
i.f.f.d., (PhD), dots.

Shakarov Zafar Gafarovich,  
i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a‘zolari:**  
*(Community Council members)*

Bred Bodenxauzen (AQSh)

Jon Ankor (Buyuk Britaniya)

Odegov Yuriy Gennadevich  
(Rossiya Federasiyasi)

Keynz Miller (AQSh)

Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)

Masato Xivatari (Yaponiya)

Gerxard Feldmayer (Germaniya)

Eko Shri Margianti (Indoneziya)

Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)

Rohana Ngah (Malayziya)

Sharifah Zanniyerah (Malayziya)

Teguh Dartanto (Indoneziya)

Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)

Muhammed Xoliq (Pokiston)

Alisher Dedaxonov (Toshkent)



**Mas‘ul muxarrir (Editor-in-Chief):**

G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):**

Musayev Xurshid Sharifjonovich



## MUNDARIJA (CONTENTS)

### MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI

Q.X. Abdurahmonov S.B. G'oyipnazarov	Сунъий интеллектни жорий этиш натижасида меҳнат бозоридаги ўзгаришлар .....	6–12
R.I. Nurimbetov A.M. Ismailov	O'zbekiston iqtisodiyoti tarmoqlari rivojlanishi va aholi bandligini manfaatdorlik indeksi asosida baholash .....	13–21
N.T. Shayusupova S.S. Amirdjanova	Прогнозирование макроэкономических показателей роста экономики и занятости населения республики .....	22–29
I.A. Bakiyeva	Тошкент вилоятида ишсизларни замонавий касб-ҳунарга ўқитишни самарали ташкил этиш йўллари .....	30–34
S.I. Sotnikova	Наемный труд: институциональные эффекты неравновесной экономики .	35–41
A.S. Usmanov M.A. Bahridinova	Qashqadaryo viloyatida bandlikning tarmoq tuzilishidagi o'zgarishlar va uning aholi turmush farovonligiga ta'siri .....	42–48
X.F. To'xtayeva	Туристик хизматлар бозорида бандликни тартибга солиш ва бошқариш бўйича илғор хорижий тажрибалар .....	49–56
B.Z. Ganiyev	O'zbekiston hududlarida bandlikning iqtisodiy o'sishga nisbatan elastikligi tahlili .....	57–61

### INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

S. Sotnikova N. Sotnikov	Ecology of the employee's career based on the concept of time management .	62–70
A.N. Turayev B.B. Suvonov	Направления развития анализа затрат труда в хозяйствующих субъектах	71–76
B.B.Suvonov	Зарубежный опыт анализа показателей затрат труда в хозяйствующих субъектах .....	77–82
Z.M. Xasanova	Enhancing economic education and human resources management: a study of innovative approaches in Uzbekistan's higher education institutions .....	83–91
R.R. Oqmulloyev	Инсон ресурсларини бошқариш — олий таълим муассасаларининг глобал рақобатбардошликка эришиш омили .....	92–102
B.B. Mardonov	Xizmat ko'rsatish sohasida kadrlar salohiyatini baholash .....	103–108
M.Sh. Xaydarova	Использование искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами .....	109–123

### INSON KAPITALI

A. Zikriyoyev D. Khojamqulov M. Raimjanova N. Turayev A. Abdullayev	Human capital development in the context of health and safety regulation: policy analysis in construction industry .....	124–138
A. Zikriyoyev M. Farmonova Ch. Keldiyorova D. Nekboyev O. Murodova	Orientation / induction day as a remedy for human capital investment at higher education .....	139–150
A.S. Boltayev Y.M. Otaboyev	The impact of health and education expenditure on economic growth in case of Uzbekistan .....	151–163
O.A. Eshbayev	Strategic integration of emerging technologies in engineering education: a holistic approach to cultivate human capital for the digital economy .....	164–169

A.O. Jumanov R.A. Omirzakov	Innovative environmental education in higher education: fostering sustainable mindsets for a greener future . . . . .	170–175
I.Sh. Khadjiyeva	School climate quality and education quality: evidence from 15 worst performing nations at PISA 2018 . . . . .	176–187
M.O. Kurolov	Leveraging digital healthcare marketing strategies to enhance social welfare through human capital development . . . . .	188–192
M. Numanova F. Khakimov	Priorities for the development of national human capital in the economy . . . . .	193–198
M.X. Xo‘jayeva	Properties of innovative activity in the education system of Uzbekistan . . . . .	198–203
H.T. Yaxshiyev	Mehmonxona hamda restorani biznesi faoliyati tushunchasi va mohiyati . . . . .	204–206
X.B. Nasriddinov	O‘quvchilarning kreativ fikrlashini rivojlantirishda ta‘lim metodlaridan foydalanish . . . . .	207–210
Sh.Y. Sharobiddinov	Investing in human capital: a comparative analysis of democratic and authoritarian regimes . . . . .	211–220
Z.M. Xasanova	Comparative analysis of innovative education management strategies for economic education and green development: lessons from foreign countries . . . . .	221–228
S.R. Xolbayeva	Трансформация системы подготовки кадров в целях повышения эффективности функционирования человеческого капитала в экономической системе . . . . .	229–238
<b>INSON TARAQQIYOTI</b>		
Sh.U. Jo‘rayeva	Socio-economic significance and analysis of the standard of living of the population . . . . .	239–244
N.M. Khazratkulova	The impact of inter-budgetary relations on regional growth and the standard of living of the population of the regions (on the example of the republic of Uzbekistan) . . . . .	245–250
<b>KAMBAG‘ALLIKNI QISQARITRISH</b>		
G.Q. Abduraxmonova M.X. Fayziyeva Sh.Q. Xoliyorova	O‘zbekiston davlat ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlashda raqamli rivojlanishning o‘rni . . . . .	251–261
<b>GENDER TENGLIK</b>		
G.Q. Abruraxmonova N.U. Khalimjonov	Gender inequality in labour market . . . . .	262–268
<b>MUNOSIB MEHNAT</b>		
Sh.X. Raxmatullayeva	Milliy korxonalarda mehnat samaradorligining muhim ko‘rsatkichlarini baholash tizimini imkoniyatlari . . . . .	269–275
Z.U. Usmonov	Ko‘zi ojiz shaxslarni ish bilan ta‘minlashning obyektiv zarurligi . . . . .	276–283
<b>TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH</b>		
L.F. Amirov	Современные тенденции развития аграрного сектора Республики Узбекистан . . . . .	284–293
I. Khotamov A. Kasimov Y. Najmiddinov G. Yuldashev	The current importance of alternative energy and renewable energy in Uzbekistan . . . . .	294–317
Z.T. Abdurakhmanova	Factors affecting sustainable agriculture and food production in Uzbekistan . . . . .	318–328
J.X. Ishanov	Determination of hydraulically acceptable length of drip irrigation pipe . . . . .	329–334

U.Sh. Duskobilov	Influence of monetary policy instruments on macroeconomic stability during the transition to inflation targeting in Uzbekistan . . . . .	335–342
Sh.D. Ergashkhodjayeva E.Y. Khojiyev	The EU’s generalised system of preferences: impact on foreign trade of domestic products . . . . .	343–348
O.A. Eshbayev	Exploring synergies: redefining engineering education management for industry 4.0 in the digital economy era . . . . .	349–354
H.B. Haydarov	O‘zbekistonda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda xorijiy investitsiyalarning tutgan o‘rni . . . . .	355–361
M.R. Khidirova	Improving the efficiency of corporate governance based on the modeling of agricultural machinery enterprises . . . . .	362–369
B.N. Ishniyazov	Analysis of the activities of innovation of the agricultural sector of our country . . . . .	370–374
N.N. Ismoilov	Implementing SDGS (sustainable development goals) in small business entities . . . . .	375–380
N.S. Karimova	O‘zbekistonda klasterlar faoliyatini tashkil etish mexanizmi . . . . .	381–385
M.R. Khayitova	The essence of green loans in a global unstable environment . . . . .	386–391
S.B. Maxmudov	Milliy iqtisodiyotda eksport amaliyotiga ta’sir etuvchi omillarni ekonometrik tahlilini baholash . . . . .	392–401
Y.F. Najmiddinov	Initial efforts to develop green energy and green growth in Uzbekistan . . . . .	402–407
Ch.G. Nosirova	Developing sustainable pathways for textile product exports: a green strategy approach to enhance social welfare . . . . .	408–415
N. Khalimjonov P. Allayarov	The gravity trade model for Uzbekistan . . . . .	416–424
D. Usmonova	Evaluating the role of marketing strategies in fostering the growth of viticulture enterprises for achieving sustainable agricultural development . . . . .	425–431
<b>МАКРОИҚТИСОДИЙОТ</b>		
A. Valiyeva	Assessing the impact of sustainable agricultural practices on legume market dynamics: a comprehensive marketing research analysis . . . . .	432–440
V.K. Yarashova	The mutual influence of transport on macroeconomic indicators in Uzbekistan . . . . .	441–447
M.S. Yusupov G.T. Ismoilova	Oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish zanjirida agrosanoat klasterlarining ahamiyati va rivojlantirish imkoniyatlari . . . . .	448–459
M.T. Abdurahmanova M.M. Ismailova	Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасини такомиллаштириш . . . . .	460–465
N.B. Achilova	Сущность и значение национального брендинга стран в условиях глобализации . . . . .	466–474
J.N. Bayisbayev	Мамлакатимизнинг тадбиркорлик субъектларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги иштироки . . . . .	475–481
A. Valiyeva	Оценка роли устойчивых методов ведения сельского хозяйства в повышении конкурентоспособности рынков бобовых: глобальный маркетинговый анализ . . . . .	482–490
F.R. Bobobekov	Мақроқиқтисодий барқарорлик шароитида факторингга таъсир этувчи омиллар . . . . .	491–497
D.B. Xajiyev	Даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларини тартибга солишнинг фискал воситалари . . . . .	498–504



## ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР БОЗОРИДА БАНДЛИКНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА БОШҚАРИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

**Тўхтаева Хуршида Фарҳодовна**

Маданий меърос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимиз аҳолисининг туризм хизматлари соҳасида бандлигини таъминлаш, бу бўйича хорижий олимларнинг илмий-назарий ёндашувлари, туризм соҳаси етарлича ривожланган етакчи мамлакатларнинг туризм хизматлари бозорини ривожлантиришдаги амалий фаолияти ва натижалари ўрганилиб, улардан фойдаланиш натижасида мамлакатимиз туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари келтириб ўтилди.

**Калит сўзлар.** туризм, хизматлар, иқтисодиёт, аҳоли, бандлик, экспорт, импорт, истеъмолчи, туристик ресурс, солиқ, сотиб олиш, мамлакат, транспорт, савдо, кадрлар, ташкилот, фирма, меҳмонхона.

## ПЕРЕДОВОЙ ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РЕГУЛИРОВАНИЯ И УПРАВЛЕНИЯ ЗАНЯТОСТЬЮ НА РЫНКЕ ТУРИСТИЧЕСКИХ УСЛУГ

**Тухтаева Хуршида Фарҳодовна**

Докторант научно-исследовательского института изучение проблем объектов культурного наследия и развитие туризма

**Аннотация.** В данной статье были изучены научно-теоретические подходы зарубежных ученых к обеспечению занятости населения нашей страны в сфере туристических услуг, практическая деятельность и результаты по развитию рынка туристических услуг ведущих стран с достаточно развитым туристическим сектором, и в результате их использования, возможности для развития туристического сектора.

**Ключевые слова.** туризм, услуги, экономика, население, занятость, экспорт, импорт, потребитель, туристический ресурс, налог, покупка, страна, транспорт, торговля, персонал, организация, фирма, гостиница.

## ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN THE REGULATION AND MANAGEMENT OF EMPLOYMENT IN THE TOURIST SERVICES MARKET

**Tukhtaeva Khurshida Farkhodovna**

PHD student Research institute of object problems Cultural Heritage and Tourism Development

**Annotation.** In this article, scientific-theoretical approaches of foreign scientists to ensuring the employment of the population of our country in the field of tourism services, practical activities and results in the development of the tourism services market of leading countries with a sufficiently developed tourism sector were studied, and as a result of their use, opportunities for the development of the tourism sector.

**Keywords.** tourism, services, economy, population, employment, export, import, consumer, tourist resource, tax, purchase, country, transport, trade, personnel, organization, firm, hotel.

### Кириш:

Туризмда меҳнат бозорининг хусусиятлари, унинг махсус функциялари ва туристик маҳсулотнинг ўзига хос жиҳатлари билан белгиланади. Туризм таҳлили нуқтаи назаридан, мураккаб ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий тизимдир.

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида тури сифатида кўплаб ўзига хос хусусиятларга эга. Аввал айтиб ўтганимиздек, туризм бир вақтнинг ўзида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, гуманитар ва коммуникация функцияларини бажаради.

Хизматлар билан экспорт-импорт операцияларини ўз ичига олган ташқи савдонинг муҳим сегменти бўлган туризм "кўринмас" экспортнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Маҳсулотлари истеъмолчига етказиладиган иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, туризм одамларнинг туристик ресурслар тўпланган жойларга кучли миграциясини келтириб чиқаради ва уларнинг истеъмоли уларнинг







► **Mehnat bozori munosabatlari**

жойлашган жойида содир бўлади. Агар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида товарлар истеъмолчига етказиб берилганда истеъмол қилишга тайёр бўлса, унда туризмда - аксинча-истеъмолчи (турист) ўзи туристик ресурс жойлашган жойга бориши керак. Бу туристик ресурсларни деярли солиқсиз истеъмол қилиш билан бирга, баъзи ҳолларда ушбу фаолият турининг асоссиз юқори рентабеллигига ёрдам беради.

Туризмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу туристик истеъмолнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Туристик хизматларни сотиб олиш учун даромадларни шакллантириш доимий яшаш мамлакати томонидан, туристик маҳсулотни истеъмол қилиш жараёни эса вақтинча яшаш мамлакати томонидан тартибга солинади.

Туризмнинг энг муҳим кўришини бу унинг мултипликатив таъсири, яъни миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари: транспорт, савдо, алоқа, маиший хизмат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларининг ривожланишига кучли иқтисодий ва ижтимоий таъсир кўрсатишидир[1].

Туризм мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий барқарорликка, ривожланган инфратузилма ва туризм саноатининг мавжудлигига, жозибали ва арзон туристик ресурсларга, малакали кадрларга ва бошқаларга бевосита боғлиқ бўлган фаолият турларидан биридир.

Туристик фаолият учун хавф омили, туристик хизматларга бўлган талабнинг мавсумий табиати бўлиб, бу асосан иқлим шароитининг даврий ўзгариши, дам олиш мавсуми, ўрнатилган анъаналар ва бошқалар натижасидир.

Туризмда бандлик - бу ишлаб чиқариш фаолиятини, шу жумладан туризм соҳасини таҳлил қилиш учун муҳим бўлган ўзгарувчидир. Кўпинча юқори меҳнат зичлиги ва паст малакасиз меҳнат ресурсидан фойдаланишдан ташқари, туризм соҳалари бандлик муаммосини кўриб чиқишда эътиборга олиниши керак бўлган бир қатор хусусиятлар билан ҳам ажралиб туради. Кўпгина ҳолларда, ташриф буюрувчилар оқими, хусусан, кириш туризмида, йил давомида нотекис тақсимланиш билан тавсифланади. Натижада, ушбу соҳаларда бандлик мавсумий тебранишларга дучор бўлади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили:**

Abby Liu ва Geoffrey Wall ривожланган мамлакатларда бандликни таъминлашда туризм асосан иқтисодий ҳаракатдир, ривожланаётган мамлакатларда эса бу асосан ривожланиш йўли сифатида бўш вақтни истеъмол қилиш билан боғлиқ. Ушбу истеъмол иш жойларини келтириб чиқаради ва туризм камбағал ва периферик минтақаларда иш билан таъминлашнинг ягона имконияти бўлиши мумкин ва туризмда бандлик уларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун имкониятдир[2].

M. Agus Cholik туризмни ривожлантиришда ҳукумат бюджетига таянишдан ташқари, туристик ҳудудни максимал даражада ривожлантиришнинг энг мумкин бўлган усулларида бири бу хусусий секторни инвестиция фаолиятига жалб қилишдир. Туризм саноатининг қўллаб-қувватловчи соҳаларидаги ушбу тадбирлар орқали Индонезияга сайёҳлар сонининг ўсишини тезлаштириш имконияти яратилди[3] деб келтириб ўтган.

N.Y. Goryushkina, D.V. Shkurkin, A.S. Petrenko меҳмонхона ва туризм бизнесини ривожлантиришда, ташкилотларида маркетинг фаолиятини бошқаришни ўрганишнинг долзарблиги, саноат ташкилотлари ва умуман туризм соҳаси ўртасида мижозлар учун рақобатнинг кучайтириш орқали амалга оширишни таклиф этади. Меҳмонхоналар орасида рақобатни чуқурлаштириш меҳмонхона саноати танлов объекти нафақат турар жой ставкалари, балки истеъмолчиларни рағбатлантириш бўйича янги турдаги таклифлар, мижозларнинг такрорий чегирмалари, бонуслари ва бошқаларни рағбатлантириш учун турли хил дастурлар бўлишига олиб келади[4].

Adele Ladkin туризм субъектлари сифатида туризм ишчиси, туризм иш берувчиси ва туризм тадқиқотчиси деб кўрсатади. Уларнинг ҳар бири сценарийдан фойдаланиш орқали кўриб чиқилади. Туризм субъектлари ўртасидаги доимий алоқа мамлакатлар ўртасида туристик фаолиятни рағбатлантирувчи омил деб ҳисоблайди[5].

A. Аукас тадқиқотлари туризм меҳнат бозорининг таркибий динамикасини ва умуман туризмни ривожлантиришга тўққинлик қилиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлашга қаратилган. Меҳнат бозори эҳтиёжлари ва мавжуд меҳнат ресурслари ўртасидаги номувофиқлик туризм хизматларининг сифат жиҳатидан пасайишига олиб келади. Ҳукуматнинг иш билан таъминлаш ва даромад келтирадиган соҳа сифатида туризм бўйича мажбуриятини ҳисобга олган ҳолда, умуман туризм саноатини ва хусусан туризм бандлигини яхшилаш учун сиёсат ишлаб чиқиш орқали катта ҳисса қўшиш зарур. Интеграциялашган сиёсат ёндашуви туризм сиёсати, таълим сиёсати ва меҳнат сиёсатини бирлаштириб, туризм бандлигини оширадиган умумий хусусиятни шакллантиради, шунинг учун туризм саноати кенг миқёсда амалга ошириш йўли орқали бандликни таъминлайди[6].





R.Sharpley, G.Forsterlarнинг мақсади сифатли туризмни ривожлантириш, хусусан меҳмонхоналарда сифат менежменти ва бошқа йўналишлар учун кўрсатадиган сабоқларни аниқлашдир. Бундан ташқари, улар туризм хизматлари сифатини тушунишга янги ўлчов қўшишга интилади, тадқиқотлари биринчи навбатда мижозлар эҳтиёжини қондириш билан боғлиқдир. Улар туризмда бандликни таъминлашда сервис хизматларини ривожлантириш ва аҳолини катта қисмини шу йўналишда банд қилиш учун оқилона давлат сиёсатини олиб бориш лозимлигини таъкидлайди[7].

#### **Тадқиқот методологияси:**

Тадқиқот ишимизда аналитик синтез ва таҳлил, маълумотларнинг назарий таҳлили, солиштирма таҳлил усуллардан фойдаланилди. Таҳлилларда туризм соҳасида аҳоли бандлигини таъминлашда хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, уларнинг мамлакатимизда қўллаш истиқболлари очиб берилди. Маълумотлар асосида туризм соҳасида бандликни таъминлашнинг хориж тажрибалари ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммоларни аниқланиб, муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди. Тадқиқот объекти сифатида туризм соҳаси мисол қилиб олинди. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

#### **Таҳлил ва натижалар:**

Ҳозирги вақтга келиб туризм бизнеси дунёнинг барча мамлакатларида жадал ривожлана бошлади. Турли хорижий мамлакатлар тажрибаси билан танишар эканмиз, туризм бизнесини ривожлантиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ушбу соҳани давлат даражасида қандай қабул қилишига ва давлат институтлари ушбу соҳани қандай қўллаб-қувватлашига боғлиқлигини кўриш мумкин.

Туризм бизнесидан даромад олиш учун ҳар қандай цивилизациялашган давлат туризм салоҳиятини баҳолаш учун ўз ҳудудларини ўрганиш учун катта маблағ сарфлаши керак. Давлат дастурлари туризм бизнесини ривожлантириш, сайёҳлик марказларини ривожлантириш, зарур инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш, шунингдек реклама ва ахборот таъминотини ривожлантиришга ёрдам бериши керак[8].

Амалиёт шуни кўрсатадики, хусусий сектор ҳеч қачон курорт туризм корхоналарини, шунингдек туристик инфратузилманинг асосий элементларини ривожлантириш учун катта сармоя кирита олмайди, у Миллий сайёҳлик тизими функцияларини бажара олмайди. Туризм бизнеси ривожланган мамлакатларда, қоида тариқасида, туризмни ривожлантириш миллий дастурларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган вазирликларга бўйсунадиган ташкилотлар мавжуд. Бундай ташкилотлар турли хил номларга эга, шунинг учун Буюк Британияда бу (British Nourist Authority), Италияда – ENIT, Испанияда – Irish Board, Норвегияда – NOTRA[9]. Бундай ташкилотларнинг бошқа мамлакатларда ўзларининг сайёҳлик офислари мавжуд. Ушбу ташкилотлар туристик оқимларни жалб қиладиган ва туристик маълумотларни тақдим этадиган дастурларни ишлаб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикасига 2021 йилда келган чет эл фуқароларининг асосий сафар мақсадлари бу – қариндошларни йўқлаш бўлиб, 87,8 % ни ташкил этди. Ўз навбатида, бўш вақт ва дам олиш мақсадида – 8,6 %, хизмат юзасидан – 1,2 %, тижорат учун – 1,1 %, даволаниш мақсадида – 1,0 %, ўқиш учун – 0,3 % чет эл фуқаролари ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республикасига келган чет эл фуқароларининг асосий қисми Қирғиз Республикасидан 508,0 минг киши (барча ташриф буюрганларнинг 33,8 % и), Қозоғистон Республикасидан 424,1 минг киши (28,2 %), Тожикистондан 337,5 минг киши (22,4 %), Россиядан 81,6 минг киши (5,4 %), Туркменистондан 60,6 минг киши (4,0 %), Озарбайжондан 2,2 минг киши (0,1 %) ва Беларусдан 1,6 минг киши (0,1 %) ташриф буюрган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисми, яъни 47,4 % и Қирғиз Республикасига (947,7 минг киши), 26,0 % Қозоғистон Республикасига (520,3 минг киши), 15,0 % Тожикистонга (299,3 минг киши), 2,7 % Россияга (53,2 минг киши), 0,8 % Туркменистонга (16,6 минг киши), 0,2 % Беларус Республикасига (3,2 минг киши) ва 0,1 % и Озарбайжонга (1,4 минг киши) кетишган. Хорижга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий қисмини Туркияга (62,7 минг киши), Саудия Арабистонига (29,5 минг киши), БААга (27,8 минг киши), Жанубий Кореяга (9,8 минг киши), Ҳиндистонга (5,4 минг киши), Мисрга (4,9 минг киши), Таиландга (4,7 минг киши), АҚШга (3,1 минг киши), Германияга (1,7 минг киши) ва Сингапурга (1,3 минг киши) чиққанлар ташкил этган[11].

Туризм бизнесининг ўзига хос хусусиятлари кенг доирадаги муносабатлар билан боғлиқ. Ушбу муносабатлар саёҳат ва дам олишни ташкил қилиш жараёнларида иштирок этадиган шахслар томонидан киритилади. Мавжуд муносабатлар шу қадар хилма-хилки, уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг маълум бир мураккаблигини келтириб чиқаради.




► **Mehnat bozori munosabatlari**

Хар қандай муайян давлатда “сайёҳлик агентлиги – давлат”, “туристик – давлат”, “туристик – сайёҳлик агентлиги” томонлари ўртасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бундай Қонунчилик ушбу томонлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳар бир элементини тўлиқ қамраб олиши керак[9].

Бугунги кунга қадар туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг ташкилий жараёнига бир неча ёндашувлар мавжуд. Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти ривожланган кўплаб мамлакатларда давлат томонидан тартибга солиш умуман йўқ ва бозор субъектлари ўзлари операцион тартибга солишни амалга оширадilar. Туристик хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиш мавжуд бўлган мамлакатларда иккита модол қўлланилади – махсус давлат органлари мавжуд ёки тартибга солиш кўп тармоқли органлар томонидан амалга оширилади.


2021 - йилда 337 та туристик фирма ва ташкилотлар фаолият юритган бўлиб, 212,3 минг ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатган. Қабул қилинган фуқаролар 186,2 минг кишини ташкил этган бўлиб, уларнинг 11,7 % и чет эл фуқароларидан иборат. Юборилган фуқаролар 18,6 минг кишини ташкил этган бўлиб, уларнинг 34,5 % и чет элга сафар қилган бўлса, қолган 65,5 % и Ўзбекистон Республикаси бўйлаб саёҳат қилган[11].



**1 расм. Хорижий сайёҳларнинг ёшлар кесимида тақсимланиши[12]**

1-расм маълумотларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки 2022 йилда Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан 5,2 млн. сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2021 йилга нисбатан тахминан 3 баравар кўп (1,8 млн.). Хусусан, ўтган йили қўшни мамлакатлардан жами 4364,8 минг сайёҳ келган, бу 2021 йилга нисбатан 283 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, мамлакатимизга мустақил давлатлар Ҳамдўстлигининг қолган қисмидан 606,4 минг сайёҳ келди (2021 йилга нисбатан 291% кўпроқ), МДҲ бўлмаган мамлакатлардан-261,6 минг (2021 йилга нисбатан 198% кўпроқ). Шу жумладан Туркиядан 75,5 минг (2021 йилга нисбатан 171% кўп), Жанубий Кореядан 19,9 минг (2021 йилга нисбатан 347% кўп), Германиядан 17,7 минг (2021 йилга нисбатан 257% кўп), АҚШдан 13,1 минг (2021 йилга нисбатан 242% кўп), Франциядан 11 минг (2021 йилга нисбатан 372% кўпроқ) ва Буюк Британиядан 10,5 минг сайёҳ (2021 йилга нисбатан 264% кўпроқ) мамлакатимизга ташриф буюрди[12].





2 расм. Туристларнинг прогноз кўрсаткичлари[12]

2-расмдаги маълумотлари асосида айтиш мумкинки, прогноз кўрсаткич 2023 йил охирига келиб 7 млн. нафар сайёҳни ташкил этмоқда. Демак мамлакатимизда хориж тажрибаларини чуқур ўрганган ҳолда, хорижий амалиётдан ютримизда ҳам қўллаш режаларини ишлаб чиқиш лозим. Туризм соҳасида бандликни кўмаклашиш мақсадида туристик фаолиятлар билан шуғулланадаган фирмалар фаолиятини рағбатлантириш лозим.

Бир неча мамлакатлар мисолида давлат институтлари қандай ишлашини кўриб чиқайлик.

1. Австрияда туризм соҳаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан назорат қилинади. Дунёнинг 26 мамлақатида ўз ваколатхоналарига эга бўлган Австрия Миллий сайёҳлик идораси давлатнинг сайёҳлик имкониятларини реклама қилади[8].

2. Буюк Британияда туризм сектори маданият, кўнгилочар ва спорт вазирлиги томонидан бошқарилади, туризм учун масъул organ – British Tourist Authority (BTA) га бевосита бўйсунди. Ушбу ташкилот Буюк Британияга чет эллик сайёҳлар оқимини жалб қилиш, шунингдек, ички туризмни ривожлантириш билан шуғулланади. Бундан ташқари, ушбу ташкилот ҳукумат ва туризм соҳасига жалб қилинган бошқа давлат идоралари билан маслаҳатлашади. Бунинг учун маъмурият ташаббуси билан реклама компаниялари мамлакат ташқарисида ўз офислари ва вакиллик тармоғи орқали олиб борилади. Ушбу мақсадлар учун матбуот, радио ва телевизордан ҳам фойдаланилади. Маъмурият халқаро конференцияларни ташкил қилади, халқаро туризм бўйича консалтинг ва маркетинг хизматларини тақдим этади ва турли хил маълумот ва маълумотномаларни нашр этади. Ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, BTA, ташқи бозорлардаги анъанавий фаолият билан бир қаторда пуллик маркетинг ва консалтинг хизматларини кўрсатадиган, семинарлар ва кўргазмалар ташкил этадиган, чет эл капитали иштирокидаги бир қатор лойиҳаларни амалга оширадиган, саёҳат қўлланмаларини нашр этадиган ва сотадиган хусусий корхона институтидир. BTA ни бешта аъзо ва президентдан иборат директорлар Кенгаши бошқаради. Ушбу ташкилот ходимлари 300 га яқин ходимга эга, улардан учдан бир қисми тўғридан-тўғри Лондонда, қолганлари эса чет элдаги 26 та ваколатхоналарда ишлайди. BTA давлат бюджетидан зарур маблағларнинг қарийб 68 фоизини олади[10].

3. Германияда туристик бизнесни ташкил этиш, туристик маҳсулотни илгари суриш ва мамлакатга туристик оқимларни кўпайтириш учун масъул бўлган Иқтисодиёт вазирлигининг Миллий туризм қўмитаси шуғулланади. Ушбу қўмитанинг ваколатхоналари дунёнинг 27 мамлақатида ишлайди[7].

4. Исроилда туризм вазирлиги мавжуд. 2022 йилда ушбу ташкилотнинг бюджети 450 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу маблағлар дунёнинг барча мамлакатларида тақдимот, ахборот, кўргазма фаолияти билан боғлиқ турли тадбирларни молиялаштириш учун ишлатилган. Шунингдек, ушбу





► **Mehnat bozori munosabatlari**

маблағларнинг бир қисми турли конференциялар ўтказиш, консалтинг хизматларини ташкил этиш, реклама материаллари ва буклетларни нашр этиш учун ажратилган[8].

5. Индонезияда туристларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кенг ваколатларга эга бўлган махсус туризм бўлими мавжуд. Шундай қилиб, мамлакатда туристик бизнеснинг барча корхоналарини назорат қилувчи туристик полиция мавжуд. Бундан ташқари, у чет эллик сайёҳлар иштирок этадиган зиддиятли вазиятларни ҳал қилишда бевосита иштирок этади.

6. Италияда 1983 йилда туризм ва меҳмонхона саноатини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича қонун қабул қилинди. Қонунда минтақавий даражада туризм бизнесининг асосий бошқарув органлари ва уларнинг ишлаш тартиби белгиланган. Туристик корхонанинг аниқ таърифи ва уни рўйхатдан ўтказиш шартлари берилган[10]. Қонунда меҳмонхоналар саноатининг таснифи ҳам белгиланган, унга мувофиқ туристик бюрлар, транспорт ва жамоат бирлашмаларига туризм бизнеси билан шуғулланишга рухсат берилган бир қатор шартлар белгиланган. Бундан ташқари, қонун туризм соҳасидаги мутахассисларнинг фаолиятини тартибга солади, туризм бизнесини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини белгилайди. Туризм фаолияти бўлими саноат фаолияти вазирлиги таркибига киради. Бўлим минтақавий туризм маъмуриятлари фаолиятини мувофиқлаштиради, миллий характердаги меъёрий ва тармоқ ҳужжатларини ишлаб чиқади, статистик маълумотларни ўрганади ва қайта ишлайди. Бўлим халқаро фаолиятда ҳукуматлараро шартномалар тузиш ва бошқа халқаро сайёҳлик ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш билан шуғулланади. Маҳаллий маъмуриятларнинг ваколатлари кенг характерга эга. Улар ўз ҳудудларида туристик фаолиятни лицензиялашнинг барча масалалари учун жавобгардир, меҳмонхоналарни таснифлайди, ўз туристик маҳсулотларини мамлакат ичида ҳам, чет элда ҳам реклама қилиш ва тарқатиш қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Аммо, шунга қарамай, Италияни халқаро туризм бозорида намоиш этишда асосий рол Миллий туризм идорасига (ENIT) юкланган. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаси реклама ва ахборот ишларини ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий ва маҳаллий туристик ташкилотларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш, соҳани ривожлантириш йўли орқали аҳолининг бандлигига кўмаклашиш каби вазифаларни бажаради. ENIT туризм бўлимига бўйсунди ва унинг фаолияти тўлиқ давлат бюджетидан молиялаштирилади.

7. Испанияда миллий даражадаги барча туризм фаолияти “Туризм соҳасидаги ваколатлар тўғрисида”ги қонун ва 1965 йил 14 январдаги “Хусусий туризм корхоналари фаолияти тўғрисида”ги Фармон билан белгиланади[10]. Миллий қонунчиликдан ташқари, ўн етти автоном вилоятнинг ҳар бирида туризм фаолияти тўғрисидаги ўз қонунчилиги мавжуд бўлиб, уларнинг асосий қоидалари юқорида айтиб ўтилган қонунга мос келади. Туризмга оид мақолалар туристик маҳсулот сотувчиси ва туристлар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга туризм бизнеси билан шуғулланишга рухсат бериладиган бир қатор шартларни, туристларга ўз хизматларини кўрсатиш тартибини, шунингдек давлат назорати чораларини ва қоидабузарларга нисбатан санкцияларни қўллаш тартибини каби тартиб қоидалар кўрсатиб қерилган. 1996 йил апрел ойида Испания парламенти “Комбинацияланган саёҳат тўғрисида”ги қонунни тасдиқлади[10]. Ушбу қонунда туристик ташкилотнинг ҳам, туристик хизматлар истеъмолчисининг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган. Комбинацияланган саёҳат – бу учта асосий элементдан камида иккитасини-тунги турар жой, транспорт ва бошқа ҳар қандай туристик хизматларни ўз ичига олган туристик саёҳатдир. Ушбу қонун туристик фаолият доирасидаги жавобгарликни аниқ тақсимлайди ва туристик маҳсулот ва комбинацияланган саёҳатнинг турли жиҳатларини аниқлайди. Испанияда туризм фаолиятининг барча масалалари Иқтисодиёт вазирлигига бевосита бўйсунадиган савдо, туризм ва кичик бизнес бўйича Давлат котибияти томонидан кўриб чиқилади. Иқтисодиёт вазирлигига Давлат Котибиятидан ташқари қуйидаги ташкилотлар ҳам бўйсунди[5]:

– Маъмурий масалалар ва туризм бизнеси соҳасидаги давлат сиёсатининг умумий йўналишларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган туризм Марказий бошқармаси.

– Тарихий аҳамиятга эга бўлган 83 меҳмонхонани ўз ичига олган “Paradores” меҳмонхоналар тармоғи.

– Madrid ва Malaga шаҳрида жойлашган иккита кўргазма ва Конгресс марказлари, шунингдек Испаниянинг “Turespasa” туризм институти.

Иқтисодиёт вазирлигининг ваколатлари анча чекланган. Хизматларни сертификатлаш, лицензиялаш, туризм соҳаси стратегиясини ишлаб чиқиш каби муҳим масалалар маҳаллий ҳокимият органларига тегишли. Ушбу ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Испанияда барча даражадаги давлат органлари вакиллари, шунингдек, хусусий бизнес вакилларини ўз ичига олган туризмни ривожлантириш Кенгаши ташкил этилган. Аксарият ҳолларда Кенгаш қарорлари фақат маслаҳат характерига эга бўлиб қолади. Испаниянинг “Turespasa” туризм институти чет эллик сайёҳларни жалб қилиш билан шуғулланади. Институт, шунингдек, Испания курортларини тарғиб қилиш ва чет элда реклама фаолияти билан шуғулланади. Институт фаолияти тўлиқ Давлат бюджетидан молиялаштирилади.

8. Францияда туризм тўғрисидаги қонун турларни сотишга имкон берадиган шартларни белгилайди. Ушбу қонун доирасига кирадиган юридик ва жисмоний шахслар доираси ҳам белгиланади, туристик





деб ҳисобланадиган хизматлар рўйхати берилади. Бундан ташқари, сайёҳлик агентликлари, турли жамоат ташкилотлари, маҳаллий сайёҳлик органлари ва жисмоний шахслар учун туристик фаолиятни амалга оширишга имкон берадиган бир қатор шартлар ишлаб чиқилган. Қонунда туристик фаолият билан шуғулланиш учун расмий рухсат олиш имконияти аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу Қонуннинг махсус қисмида истеъмолчи ва туристик хизматларни ишлаб чиқарувчи ўртасидаги барча муносабатлар ўрнатилади. Бу ерда хизматлар сотувчиси ва харидорнинг шартномада бўлиши керак бўлган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари келтирилган. Қонунда туристик маҳсулот сотувчисининг у вакили бўлган хизматлар сифати учун жавобгарлик чоралари тартибга солинади. Бундан ташқари, қонунда қонунни бузганлик учун жавобгарлик ва қоидабузарларга нисбатан санкциялар ҳамда давлат ташкилотлари томонидан ушбу қонун доирасига кирадиган юридик ва жисмоний шахслар томонидан фаолият юритилиши устидан назорат механизми назарда тутилган. Транспорт ва жамоат ишлари вазирлиги туризм фаолиятини тартибга солиш билан шуғулланади. Унинг таркибига туризм бўйича Давлат котибияти ва туризм бўлими киради. Ушбу органлар туризм соҳасини бошқариш ва тартибга солиш, туризм бизнеси соҳасидаги инвестициялар ва халқаро муносабатлар масалалари билан шуғулланади. Бундан ташқари, туристик фаолиятни бошқаришда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадиган бир қатор органлар мавжуд[6]:

- Транспорт ва жамоат ишлари вазирлиги ҳузуридаги туризм Кенгаши.

- Экологик муаммолар ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадиган Франциянинг гуллаб-яшнаши Миллий қўмитаси.

- Франция туризм муҳандислиги агентлиги ва туризм бўйича миллий Кузатув Кенгаши, унинг ваколатига туризм бизнесида маркетинг тадқиқотлари ва статистика киради.

Шунингдек, минтақавий даражада Марказий ижро этувчи ҳокимият вакиллари мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаларига туризм соҳасини ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш ва тўғридан-тўғри бошқарув органларига ҳисобот бериш киради. Ушбу вакилларнинг фаолияти асосан туризм соҳасидаги маҳаллий ташаббусларни мувофиқлаштиришга қаратилган. Франциянинг халқаро бозорда сайёҳлик маркази сифатида обрўсини тарғиб қилиш 1987 йилда экскурсия объектлари маъмуриятлари ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси натижасида ташкил этилган “Maison de la France” уюшмаси томонидан амалга оширилади. Ушбу ташкилот фаолияти қисман давлат бюджетидан молиялаштирилади, уларнинг улуши 60% ни ташкил қилади[6].

9. Финляндияда сайёҳлик фаолияти “Турларни сотиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тўғрисида” ва “Турлар ва туристик фаолият тўғрисида”ги қонунлар билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг қабул қилинишига Финляндиянинг Европа Иттифоқига қўшилиши ва Финляндия қонунларини Европа Иттифоқи талабларига мувофиқлаштириш зарурати сабаб бўлди. Ушбу қонунлар мижоз ва сайёҳлик компанияси ўртасидаги турни сотиш бўйича муносабатларни, шунингдек юзага келган низоларни ҳал қилиш тартибини тартибга солган. 1995 йил март ойида Финляндия ҳукумат тузилмаларининг “Туризм фаолияти билан шуғулланиш тўғрисида” қарори қабул қилинди[7]. Ушбу қарор туристик фаолиятни рўйхатдан ўтказишда талаб қилинадиган асосий маълумотларни тақдим этиб, ушбу компания хорижий сайёҳлик компаниясининг воситачиси эканлиги ҳақида белгиланган.

10. АҚШнинг “Халқаро туризм тўғрисида” биринчи Миллий Қонуни 1961 йилда қабул қилинган. Ушбу қонун АҚШ федерал савдо вазирлиги таркибида фаолият юритган саёҳат ва туризм маъмуриятини (АРТ) яратишни назарда тутган. Бироз вақт ўтгач, 1981 йилда “Туризм соҳасидаги Миллий сиёсат тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 1992 йил Май ойида “Туризм ва экспортни ривожлантириш сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинди[2], унда АРТ олдида қуйидаги вазифалар қўйилди: АҚШ манфаатлари учун туризм соҳасидаги давлат сиёсатини мувофиқлаштириш, туризм фаолияти статистикасини юритиш, туристик бозорни ўрганиш, давлатларга ёрдам бериш, мамлакатлар, шаҳарлар ва қишлоқ жойлар, туризмни ривожлантириш дастурини бошқариш ва бошқалар. Федерал даражада туризм фаолиятини тартибга солиш учун масъул бўлган Миллий органдан ташқари, АҚШнинг ҳар бир штатида туризм бизнесини ривожлантириш учун масъул бўлган тегишли хизматлар мавжуд. Туризм бизнесини тизимли равишда ривожлантириш ва ҳар томонлама муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган “Савдо ва туризм” агентлиги бу хизматларни кўрсатади. Шунингдек, у туризмни ривожлантириш учун реклама ва ахборот дастурларини ташкил қилади ва туризм саноатининг ҳолати ва ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боради. 1996 йилда АҚШ Конгресси туризм бизнесини ривожлантиришга ҳисса қўшган яна бир қонунни қабул қилди. 1997 йилдан бери янги Федерал сайёҳлик тузилмаси-Миллий туризм ташкилоти (NTO) фаолият кўрсатмоқда. Ушбу қонунда айтилишича, агар яқин келажакда АҚШнинг жаҳон сайёҳлик бозорида улушини оширмаса ва чет эллик сайёҳлар оқимини кўпайтирмаса, у тарқатиб юборилади[2].

11. Швейцарияда барча туризм масалалари энг йирик миллий реклама агентлиги бўлган Марказий туризм идораси (СВТ) томонидан кўриб чиқилади. 1990 йил июн ойида Европа Иттифоқи туристик хизматлар ва умуман туристик маҳсулотларнинг мазмуни билан боғлиқ барча масалаларни тартибга солувчи Европа





► **Mehnat bozori munosabatlari**

Иттифоқи директивасини қабул қилди. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ушбу йўриқномада сайёҳлик компанияси ва турист ўртасидаги шартномалар матнлари, шунингдек барча шартлар, ўзаро ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва кафолатлар мавжуддир.

**Хулоса ва таклифлар:**

Мамлакатимизда туризм хизматлари соҳасида йилдан-йилга ўзгаришлар, инвестициялар кириш, бандлик даражаси ошиб бормоқда. Аммо аҳолимизнинг юқори суръатларда ўсиб бориши шароитида аҳоли бандлиги таъминлаш долзарб вазифалардан биридир. Мамлакатимиз ўзининг бой тарихи ва намуналарига эга. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, туризм соҳасида бандликни кўпайтириш, хорижий тажрибаларни ўрганиш натижасида тадқиқот ишимизда қуйидаги хулоса ва таклифларни шакллантирдик:

- Туризмни ривожлантиришда давлат бош ислоҳотчи сифатида, солиқ имтиёзларини таклиф этиш;
- Аҳолининг ёшлар қатламини иш билан бандлигини таъминлаган туристик корхоналарни рағбатлантириш;
- Миллий телерадиокомпанияларда бепул реклама бериш учун давлат томонидан имтиёзлар ажратиш;
- Ички туризмни ривожлантириш мақсадида республикамизнинг туристик ҳудудларида автобус қатновларини йўлга қўйиш;
- Туризм концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- “Uzbektourism” ваколатларини кенгайтириш ва хорижий мамлакатлар туристик ваколатхоналарини очиш.

**Фойдалиниланган адабиётлар рўйхати:**

1. Ф.С.Қутлимуротов. Туризм инфратузилмаси: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. - 105 б.
2. Liu A., Wall G. Planning tourism employment: a developing country perspective //Tourism management. – 2006. – Т. 27. – №. 1. – С. 159-170.
3. Cholik M. A., Se M. M. The development of tourism industry in Indonesia: Current problems and challenges //European Journal of Research and Reflection in Management Sciences. – 2017. – Т. 5. – №. 1.
4. Goryushkina N. Y. et al. Marketing management in the sphere of hotel and tourist services //International Review of Management and Marketing. – 2016. – Т. 6. – №. 6. – С. 207-213.
5. Ladkin A. Exploring tourism labor //Annals of Tourism Research. – 2011. – Т. 38. – №. 3. – С. 1135-1155.
6. Aykac A. Tourism employment: Towards an integrated policy approach //Anatolia. – 2010. – Т. 21. – №. 1. – С. 11-27.
7. Sharpley R., Forster G. The implications of hotel employee attitudes for the development of quality tourism: the case of Cyprus //Tourism management. – 2003. – Т. 24. – №. 6. – С. 687-697.
8. Рузиев Ш. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш масалалари (хорижий тажрибалар асосида) “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабрь, 2020 йил
9. Хошимов П. З., Тўраев З. Н. Туризм соҳаси миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2012. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/turizm-so-asi-milliy-i-tisodiyotni-rivozhlantirishning-mu-im-omili-sifatida>
10. [http://council.gov.ru/activity/analytics/analytical\\_bulletins/63023/](http://council.gov.ru/activity/analytics/analytical_bulletins/63023/)
11. <https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/qo-mita-yangiliklar/10164-2021-yilda-o-zbekiston-respublikasida-turizm>
12. <https://uzbekistan.travel/en/uzbekistan-tourist-arrivals/>







# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

<https://laboreconomics.uz>

## MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI 2023-yil Maxsus son

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

[laboreconomics.uz](https://laboreconomics.uz)

*Muharrirlar:*

*Yaxshiyev H.T.*

*Matxo'jayev A.O.*

*Musahhih:*

*Kamilova D.J.*

*Tehnik muharrir:*

*Mirzayev J.O'.*

Litsenziya AI № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.  
Qog'oz bichimi 60x84 1/8. Shartli bosma tabog'i 31,6. Raqamli bosma.  
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

“Zarafshon Foto” MCHJning matbaa bo'limida chop etildi.  
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.



CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER

1st DIRECTION: TRENDS AND PROSPECTIVE DIRECTIONS OF GLOBAL ECONOMIC DEVELOPMENT.

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS"

19-20 OCTOBER 2023

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS,

TASHKENT, UZBEKISTAN

"NEW2AN, ICFENDS and ICDSIS"

FORUM

Parallel conferences

CONFERENCE

DEVELOPMENT STRATEGY:

GLOBAL ECONOMIC TRENDS

"IFRS" FORUM

"IFRS" HOMLI KONFERENCIYA

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC

TRENDS"

TASHKENT STATE

UNIVERSITY OF ECONOMICS

ЎНАЛИШ: ГЛОБАЛ ИҚСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЎНАЛИШЛАРИ. "Глобал ва миллий иқтисодиёт трендлари" номли конференция

PARALLEL CONFERENCES

"NEW2AN AND ICDSIS"

AND ICFENDS"



- Conditions for improvement
- Corporate Accounting
- Institutional problems
- Training personnel for the future
- Business environment
- Digital technologies

CONFERENCE

"GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS" 19-20 OCTOBER



100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.

+998 99 881-86-98

ilmiymaktab@gmail.com

www.laboreconomics.uz

FORUM

- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agricultural Development

- Digital
- Green
- Environ
- Alter
- Artifi